



# Тошкент

Газета 1966 йил 1 июлдан  
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-сиёсий газетаси

# Оқшом

№ 85 (8.975)

1997 йил

25 июль, жума

Сотувда эркин нархда



## Ўзбекистон Мустақиллигининг олти йиллиги олдидан

### ПРЕЗИДЕНТ Чўлпонотага ЖўНАБ КЕТДИ

24 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлатлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига жўнаб кетди.

Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга интервью берди. Жумладан, юртбошимиз Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон барпо этишдан қўзғалган катта мақсадлар ҳақида гапириб, бу йилдаги мавжуд айрим сунъий тўсиқларни тезроқ бартараф этиш, ягона банк фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинган қарор-

лар ижросини таъминлаш зарур эканлигини таъкидлади. Президентларнинг Чўлпонотада ўтажак-учрашуви шу жиҳатдан муҳим омил бўлади, деб ишонч билдирди.

Тошкент аэропортида Президент Ислам Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Б. Фуломов, В. Норов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавулодда ва мухтор элчиси Б. Сиддиқов ҳам бор эди.

(У.А.)

### ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙўЛИДА

**ЧўЛПОНОТА, 24 июль (У.А. махсус мухбири Фарҳод АРЗИЕВ хабар қилади).** Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлатлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрига келди. Шаҳар аэропортида Ислам Каримовни Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Миллий либосдаги кизлар Ўзбекистон Президентига анвойи гуллар тўпти. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг, давлат раҳбарлари учун ҳозирланган махсус машиналар Иссиқкўл бўйидаги Чўлпонота қароргоҳи томон йўл олди. Бу ерда уч давлат раҳбарининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамда Афғонистон ва Тожикистонда кечаётган воқеалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорларнинг амалга ошиш жараёни, Марказий Осиё иқтисодий учун махсус дастур, уч мамлакат парламентлари, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки («Центразбанк») ҳамда БМТнинг захирасидаги қураб ҳисобланган Марказий Осиё тинчлик батальони («Це-

нтразбат») фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда янги таъсис этилган «Марказий Осиё Интеграция муаммолари» журнали бош муҳаррири масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистонлик танилиқ журналист Одибек Қайипбергенов мазкур журналнинг бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Учрашув якунида уч томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ўртасида БМТнинг захирасидаги қураб ҳисобланган «Центразбат» аскарлари мақоми, давлатлараро кенгаш ва унинг муассасалари тўғрисидаги битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Бишкекда Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш тўғрисида, уч мамлакат парламентлари аъзолари кенгаши тўғрисида ва «Центразбанк» фаолияти тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Учрашув нихоясида президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказдилар. Унда йиғилиш кун тартибидан жой олган барча масалалар бўйича ўзаро қелишувга эришилгани қайд этилди.

Чўлпонота сафарига мамлакатимиз раҳбарига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, ташқи ишлар вазири А. Комиллов, муҳофаза вазири Р. Аҳмедов, марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқда.

### Саноат

#### ИККИ БАРОБАР ЮҚОРИ

**«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамиятида янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар яратишга катта эътибор қаратиляпти. Яқинда бу ерда чиқарилаётган тракторлар учун зарур бўлган, икки йўналишли ку-чайтирилган трансмиссия яратилиб синовдан муваффақиятли ўтказилди.**

Янги трансмиссия энг юксак халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериш билан бирга унинг иш қобилияти аввалгиларидан икки баробар юқори ҳамдир. Ушбу энг зарур таркибий қисми тракторнинг кучи, тежамкорлиги каби кўпгина кўрсаткичларини ҳам белгилайди. Айни вақтда корхонада АҚШ билан ҳамкорликда чиқарилаётган «Камминг» тракторлари янги трансмиссия билан жиҳозланяпти.

Шу ой охирига қадар қирққа яқин тракторларга ушбу янги турдаги таркибий қисм ўрнатилди.

Хусан БАРАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

### ҚАРОРИ

#### БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ТУҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил 24 июль.

Олий Мажлис туққизинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши мўлжалланмоқда:

1. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур лойиҳаси тўғрисида.
  2. Таълим тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
  3. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури лойиҳаси тўғрисида.
  4. Миллий хавфсизлик концепцияси лойиҳаси тўғрисида.
  5. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
  6. Бож тарифи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
  7. Давлат божхона хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
  8. Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
  9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
  10. Ўзбекистон Республикасининг Ҳужалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
  11. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
  12. Ўзбекистон Республикасининг қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
  13. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
- Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги Фавулодда ва мухтор элчиси Фотиҳ Тешабоев қиролича Елизавета II га ишонч ёрлигини топширди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг маъмурияти 1998 йилда Кавказ минтақаси ва Ўрта Осиё мамлакатларига кўрсатилаётган ёрдам ҳажмини 40 фоиздан ҳам кўпроққа ошириш ниятида эканлигини билдирди.

● Албания Президенти С. Бериша истеъфога чиқди. Кеча парламентнинг биринчи мажлисида мамлакат янги президенти сайланди. Яқинда парламентга бўлиб ўтган сайловларда голиб чиққан Социалистик партия етакчиси, физика бўйича профессор Р. Майдони Албаниянинг янги президенти бўлди.

● Бишкекда «Марказий Осиё Республикалари абадий дўстлиги ва интеграциясини мустаҳкамлашда матбуотнинг роли» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унинг ишида Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Учрашув якунида қабул қилинган ҳужжатда бу уч республика ўртасида ахборот айирбошлашда ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган.

● 27 июлда Беларусь Республикаси мустақиллик кунини нишонлайди.

● Россия Президенти Борис Ельцин мамлакат парламентининг иккала палатаси томонидан ҳам қабул қилинган виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунни имзолашдан бош тортиди. Маълумки, АҚШ конгресси, Рим папаси Иоанн II ва бошқалар ушбу қонунда камчиликлари ташкил этилган диний мазҳаблар камситилганлиги тўғрисида ўз эътирозларини билдирган эдилар.

● Жазирда ҳали тўлиқ тасдиқини топмаган маълумотларга кўра террорчилар гуруҳининг раҳбари А. Зуабир ўлдирилган. Мамлакат маъмурули бундан қўндрок террорчилар устидан улкан ғалаба, деб баҳоламоқдалар.

● Тожикистоннинг олти миллионинчи фуқароси дунёга келди. Бу бахтли фарзанд туғилган душанбелик Абдулла Халимов оила-сида мамлакат пойтахти ҳокимлиги янги қаватга тура ҳаёт этди.

● Озарбайжон ҳарбий коллегияси Арманистон фойдасига жосусликда айбланган Россия фуқароси Карен Барашевни олий жазога ҳукм қилди. Аммо Озарбайжонда 1993 йилдан бери олий жазога маҳкум этилганлар қатл қилинмаётганликлари сабабли бу жосусга чиқарилган ҳукм умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилиши таҳмин қилинмоқда.

● Швейцария банкларининг ўз йилдан кўпроқ тарихи давомида илк бор омонатлар сирини ошқор этилди. Бу ерда асосан иккинчи жаҳон уруши қурбонлари бўлган яқудийларга тегишли, фойдаланилмай келинаётган икки мингта омонат рўйхати эълон қилинди. Ҳозир ушбу омонат меросхўрлари қидириляпти.

● Бугун Россия пойтахтида юз нафардан кўпроқ машур кишиларга Москванинг 850 йиллигига бағишлаб чиқарилган юбилей медаллари тантанали топширилади. Москва шаҳрининг бу юбилейи шу йил кузда нишонланади.

● Япониянинг Саппоро шаҳрида БМТ шафелигада қурол-яроғларни қаматириш бўйича анъанавий халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унинг ишида 32 мамлакат вакиллари иштирок этди.

● Мисрнинг маъмурият ишлари бўйича комиссияси эълон қилган маърузага кўра, мамлакатдаги амалдорларнинг яқовлиги йилга газнага 3 миллиард фунт (880 миллион АҚШ доллари) микдорига зарар келтираётган экан. Мамлакатдаги 2,2 миллион давлат хизматчинининг тенг ярми ўз вазифасига সিққидилдан ёндошмас, 330 нафари эса умуман бирор иш билан банд эмас экан. Бунинг устига давлат хизматчилари уззу-кун телефонда гаплашиб, қанчадан-қанча пулни қўққа со-вураётган экан.



## Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

### Тошкент шаҳар ҳокимлигида

#### СУВДАН ОҚИПОНА Фойдаланайлик

**Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов Тошкент шаҳар аҳолисининг сув таъминотини яхшилаш, ичимлик сувини тежаш, ундан оқилана фойдаланишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорни имзолади.**

Ушбу қарорда сўнги йилларда ёзинг жазирама кунлар бошланиши билан шаҳар сув қувурларининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан максимал равишда фойдаланишга қарамай кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларида ҳамда Тошкент шаҳрининг айрим маҳаллаларида ичимлик суви таъминотида узиллиш ҳоллари тез-тез учраётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Шаҳар ирригация тармоқларида сўғорма сувлар йўқлигидан аҳоли ичимлик сувларидан экинлар, дарахтлар, уйлар атрофидаги кўкаламзорлар ва томорқаларни сўғоришда, шунингдек, йўлаклар ва йўлларга сув сепишда фойдаланиши, кўп қаватли уйларда санитария-маиший жиҳозларнинг носозлиги, шахсий уйларда сувлардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик оқибатида қувурлардан сувлар бекор оқиб ётиши бунинг асосий сабабларидир.

Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, Тошкент шаҳар аҳолисининг ичимлик сувининг таъминотини яхшилаш ва сувдан оқилана фойдаланиш мақсадида «Тошуйжойинвест-қурилиш» молия-қурилиш корпорациясининг Капитал қурилиш бож бошқармаси, Шаҳарсозлик ва меъморчилик бож бошқармаси, лойиҳа институтларига 1997 йилнинг иккинчи ярмидан янги мавзе ва яқна тартибдаги даҳалар (маҳаллалар)ни лойиҳалаштираётганда мавзеларни сўғорма сувлар билан таъминлаш учун канал ва ариқ қирғоқ-

лариди қудуқ ва насос станциялари қурилмаларини мажбурий тартибда назарда тутиш топширилди. Ободонлаштириш бож бошқармаси, туманлар ҳокимликлари, Тошкент лойиҳалаштириш ва бож режа илмий-тадқиқот институти зиммасига мавжуд микро-районлар, мавзелар, маҳаллалар сув таъминотини яхшилашга доир 1997-1999 йиллар мажмуий дастури ишлаб чиқиш ва шаҳар ҳокимлигига 1997 йилнинг 1 августигача тасдиқлаш учун тақдим этиш вазифаси юклатилди.

«Тошуйжойинвест-қурилиш» молия-қурилиш корпорациясининг Капитал қурилиш бож бошқармасига ишга туширилаётган янги даҳалар ва маъмурий биноларни узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида сув йўллари ишоотлари қурилиши қисми юзасидан «Сувсоз» трести тақдим этилган техникавий шартлар бажарилишига доир чора-тадбирлар белгилан топширилди.

Туманлар ҳокимликлари ва маҳалла кўмиталарига «Сувсоз» трести вакиллари билан биргаликда 1997 йилнинг июль ойидан бошлаб ичимлик сувларининг ҳўжасизларча сарфланишини аниқлаш ва бунга қарши курашини учун ойига камида икки мартадан мавзе ва маҳаллаларда доимий текширишлар ўтказиш топширилди.

Туманлар коммунал-фойдаланиш бирлашмалари «Сувсоз» трести вакиллари билан биргаликда кўп қаватли иморатларда ичимлик суви бекор оқиб ётишини аниқлаш ва бартараф этишнинг адресли жадвалини ишлаб чиқиш, тасдиқлашнинг ҳамда ушбу тиклаш ишларини 1997 йилнинг 15 августигача якунлаш,

сувлари бекор оқиб ётишини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича доимий текширувни таъминласинлар ва қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ёзма равишда Тошкент шаҳар коммунал-фойдаланиш худудий бирлашмасига ахборот берсинлар.

Шаҳар худудидида экинлар, дарахтлар, уйлар атрофидаги кўкаламзорлар ва томорқаларни сўғоришда, шунингдек, йўлаклар ва йўлларга сув сепишда водопровод сувидан фойдаланиш соат эрталаб 6 дан кечаси 24 гача ман этилсин. Айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ички ишлар бож бошқармаси участка нозирларига уларга бириктирилган участкалардаги савдо нуқталари ва кўчаларда яна ичимликларни совутиш, автомашиналарни ювиш, йўлак ва йўлларга сув сепишда ичимлик сувидан фойдаланиш ҳолларининг олдини олинишини юкласин.

Туманлар ҳокимликлари уйларга қувур кириши олдида сув ўлчагич жиҳозлари ўрнатишга доир дастурни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, ушбу тадбирлар 1998 йилнинг охиригача якунлансин. Бу ишни молиявий маблағ билан таъминлаш манбалари белгилансин.

«Сувсоз» трести ўн кун мuddат давомида мавзелар ва магистралларда сув қувурлари тармоқларида ичимлик суви бекор оқиб ётишини инвентаризация қилсин, уларни бартараф этишнинг адресли жадвалини ишлаб чиқиш, тасдиқлашнинг ҳамда ушбу тиклаш ишларини 1997 йилнинг 15 августигача якунлаш,



Мамлакатимиз пойтахтида республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан жуда кўплаб қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Ҳадемай азиз ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар хизматига топшириладиган жуда кўплаб қурилиш ишоотларида бугунги кунда сўнги ишлар бажарилимоқда. Бунда «Сифат» ҳиссасдорлик жамияти аъзоларининг ҳам ҳиссалари бор.

СУРАТДА: ана шу жамозанинг ишбосчиси Рустам Мирзаев ва қурувчи Виталий Куричкини кўриб турибсиз.

Рустам Шарипов олган сурат.

### Обуна — йил бўйи

#### «Оқшом» доимий ҳамроҳингиз

Қадрли муштарийлар! «Тошкент оқшом» газетасига йилнинг охиригача обуна бўлишни унутмадингизми? Сизларга шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, «Оқшом»га обуна йил бўйи давом этади. Бунинг учун обуна муддатингиз тугаган бўлса алоқа бўлимларида ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар обунани расмийлаштиришга ул-

гурсангиз, келгуси ойдан бошлаб газета хонадонингизга ўзи кириб бораверади. Бинобарин шундай экан, Сиз вақт ва имконият топиб, 1997 йилнинг 10 августига қадар «Тошкент оқшом»га ёзилишингиз мумкин. Шундай қилсангиз уни сентябрь ойдан бошлаб йилнинг охиригача олаверасиз.

Газета индекси — 64690.



**Президентимиз Ислам Каримов «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни тузиш» комиссиясининг яқинда ўтказилган йиғилишида таълимдаги ислохотларни жаддалаштириш, янги илмий-назарий ғоялар, шакл, услуб, усулларни амалда кенг қўлаш, таълим мазмунига янги педагогик технологияни жорий қилиш, иш жараёнида халқ педагогикаси, маънавий қадриятлар, маҳаллий ва чет эл педагогикаси илгор тажрибаларидан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътиборни қаратганликлари ҳақида ўз вақтида хабар берган эдик.**

**Мухбиримиз ушбу комиссия йиғилиши қатнашчиси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев билан пойтахтда ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.**

— Ҳамидулла Қайумов, энг аввало ушбу Миллий дастурнинг моҳиятига тўхталсангиз.

— Миллий дастурда барча даражадаги мактабларда, халқаро андозаларга мос келадиган мутахассислар тайёрлашни таъминлаш, янги илмий, ижтимоий фанлар, келажакда ўз олдига мураккаб вазифалар қўя оладиган ва уларни ҳал этадиган, ижтимоий ҳаётда, меҳнат бозоридан ўз ўрнини топа

ги юқори курс талабаларининг бир йиллик амалий практикасини мактабларга қўйиш масаласини ҳал қилди.

Иккинчидан, пойтахт олий ўқув юртинининг минг нафардан ортиқ профессор-ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларига дарс беришга жалб қилишни мўлжаллашди.

Учинчидан, ўқитувчилик касоибига мойил бўлган олий маълумотли турдош касбдаги мута-

**Эрамизгача бўлган 65 йилда таваллуд топиб, миллоднинг 8 йилида вафот этган Рим мутафаккири Флакк Горацій Квинт ўзидан катта мерос қолдирди. Унинг достонларида халқпарварлик, Ватан туйғуси, одамлар ўртасидаги дўстона алоқалар, одоб-ахлоқ масалалари ибратли даражада тараннум этилган. Биз унинг ўлмас ва боқий ижодидан фақат одоб-ахлоққа доирларидан бир шингилни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этишга жазм этдик.**

Илоҳий китобларда инсон шарафланган. Доношмандлар ҳам ўз дил сўзларини одамларга бағишлаганлар. Горацій ҳам одамларни кўнгаларга кўтарган, уларнинг фаолиятларига муносиб баҳо берган. «Одамлар, — деганди аллома, — зриша олмайдиган ҳеч нарса йўқ». Дарҳақиқат, одамларнинг қўли гул, босган изларидан дур унади. Назари тушган жой боққа айланади. Ақли захари малҳамга, тошни санъатга айлантиради. Мўъжизалар яратувчи ҳам инсон, тилси-

«Энг аччиқ дақиқаларда ҳам, — деганди аллома, — руҳингни баланд тутишга ҳаракат қил». Руҳиятнинг яхшилигида ҳикмат мўл, соғлиққа ҳам фойда қилади, иш ҳам унумли бўлади.

Горацій ижодидида меҳнат таърифи катта ўрин тутди. Эътибор беринг-а: «Ҳаётда ҳеч нарса машаққатли меҳнатсиз қўлга киритил-

ланса, ёмонлик лаънатланган. Турмуш адолатли ҳакамдир. Бу жойда нописандлик кетмайди. Лоқайдлик панд беради. Шунингдек турмушнинг шунчалик нозик томонлари борки, уни ўлчайдиган ўлчамлар йўқ. Аммо одамзотга фаросат деган нозик таъб берилганки, ҳаттоки, ёшига қараб муносабатда бўлмаса ҳам панд еб қолиши мумкин. «Ҳамиша,

латиб иш тутса, олам гулистон. Одам эҳтиёткор бўлади, зийраклик кўшилса, тагин ҳам яхши. Шунда сенинг ишинг жойида бўлади. Одамлар эътиборига тушасан, обрўйинг ортиб, эл назарида бўласан. Энг асосийси, сенинг қалбинг тозаланади, дилинг покланади. «Орақанда айбларинг бўлмаса, — деганди аллома, — соф виждонликда шарофат, ҳосият мўлдр. Енгил нафас оласан, ҳаётинг тинч, турмушинг фаровон бўлади.

Умуман, Горацій ҳикматларининг ҳаётини, ибратли томонлари сероб, таъсирчанлиги кучлидир. Мана шу боисдан улар асрлардан бери инсоният маънавий дунёсига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

*Мусоқул УСМОНОВ, Тошкент Молия институтининг профессори.*

## БОСГАН ИЗЛАРИ ГУЛ

Одобнома

лар билан сийланганки, барига муносибдир. Аммо ҳаёт ҳаёт бўлганлиги учуннинг ҳам қийинчиликлари бор, қарама-қаршиликлари мавжуд. Лекин одам ҳеч қачон умидсизланмасин экан. Шунинг учун Гораційнинг мана бу ҳикмати магзини чақсақ ёмон бўлмайди.

— деганди Горацій, — ўзимизни ёшимизга муносиб тарзда тугайлик». «Ҳазаб, — деганди яна аллома, — бир оний ақсизликдир».

«Беайб парвардигор», дейдилар, демек ҳар бир одамда қанақадир камчилик, нуқсон бўлиши мумкин. Ана шу камчилигини билиб, ундан хулоса чиқарса, ақл-фаросатни иш-

Бир танишим Грецияга бориб келди. Хол-аҳвол сўраб қизиқиб дедим:

— Греция қандай давлат экан? Ўзбекистонга ўхшашми ёки унданам гўзалроқ?

— Греция ҳам ўзига яраша гўзал давлат. Одамлари ҳам маданиятли, меҳмондўст. Кўчалари озода. Лекин дарахтлар жудаям кам, кўчалари тор экан.

Танишимнинг гапларини эшитиб ўзимча хурсанд бўлдим: — Ҳа, бизнинг юрт энг гўзал. Чунки шахримизнинг фалон бир кўчаси дарахтсиз экан деб бўлмайди. Ҳаммаёқ кўм-кўк, кўзни яшнатиб туради.

Показаник

## ЁҒ ТУШСА ЯЛАГУДЕК БЎЛСА

Яқинда қариндошим иш билан Германияга бориб келди. Ундан ҳам сўраб-суриштира бошладим.

— Германия чиройли шаҳар экан, — деди у. — Уйлари чиройли, дид билан қурилган. Транспортлар ҳам озода, ўз вақтида юради, шунинг учун бўлса керак сира тирбанд бўлма экан. Ҳа, айтаман, кўчаларини айтмайсизми, шунақаям озодаки, ерда бир дона қоғоз учратмайсиз, чунки ҳар қадамингизга ахлат ташлайдиган идишлар қўйилган.

Унинг гапларини эшитиб ўйланиб қолдим. Дунё дегани шу шекилли. Пойтахтимизнинг кўркам, обод, кўккаламзор эканлигиндан қувонамиз. Аммо шахримизнинг ҳамма мавзе ва кўчалари ёғ тушса ялағудек бўлиши учун нега ўзимиз озодалликка кам эътибор берамиз, кўчага сигарета қолдиргани ташлаганга танбех бермаймиз. Муаммонинг иккинчи томони бизнинг шундай гўзал шахримизда ахлат идишларнинг етарли эмаслигидир. Баъзи бир бекатларда турсангиз чиқинди ташлайдиган идиш топмай қоласиз. Ерга ташлаш десангиз, ноқулай, топ-тоза қилиб супуриб қўйилган-да. Масалан, ота-онаси олиб берган музқаймоқни еб бўлганидан кейин ахлат челақ тополмаса, бола музқаймоқ қоғозини қаерга ташлайди? Ота-онаси чўнтагига ёки сумкасига солиб кетолмайди-ку. Охир-оқибатда мажбур бўлади топ-тоза ерга ташлашга. Бу хол фарошларимизга беҳурматлик ва маданиятсизлик-ку.

Яқинда оиламиз билан Мухимий номли театрга бордик. Томоша бошланганидан ярим соат олдин бориб қолибмиз. Эркак учун музқаймоқ олдик. Театр ташқарисидан албатта. Музқаймоқни еб бўлгандан сўнг қани энди ахлат идиш топилса. Охири мен қоғозларни йиғдим-да театр биносининг орақсига ўтдим. Не кўз билан кўрайки, ерда музқаймоқ қоғозлари уюлиб ётарди.

Яқинда ойнаи жаҳонда японлар ишлаб чиқарган чикинди йиғувчи машинани кўрсатишди. Ўзи ихчамгина экан, юриб кетаётган йўлида ерда ётган майда-чўйда нарсаларни йиғиб кетяпти. Бизда ҳам шундай машина ўйлаб топишсин демоқчи эмасман, аммо кўчаларимизда ахлат идишлар кўпроқ бўлса, балки ерда сигарета қолдиқлари, ҳар хил чиқинди қоғозларни учратмасмидик?

*Дилором ДАВРОН қизи.*



Ҳўрандалар мамнун бўлса бўлди бизга.

## ЯНГИ АСР МУТАХАССИСЛАРИ

Миллий дастур

биландиган ва ўз касбини ўзи мустақил танлай оладиган шахсини шакллантириш йўллари белгилаб берилган.

Дастурда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳоли ва унинг муаммолари таҳлил қилинган тизим тубдан ўзгартириш зарурлиги очиб берилган. Шу асосда кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилган. Бу янги модели тайёрлашга бутунлай янги ёндашилганини алоҳида таъкидлаш керак. Унда таълим тизимининг мақсади ва вазифалари очиб берилган. Дастурни амалга оширишнинг йўналишлари, шарт-шароитлари, босқичлари ва асосий кутилаётган натижалари кўрсатиб ўтилган.

— Миллий дастур қандай амалга оширилиши ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Миллий дастурни уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Биринчи босқич ўттиш даври, деб белгиланиб, у 1997—2000 йилларни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич 2000—2005 йилларга мўлжалланган бўлиб, бу даврни Миллий дастурни кенг миқёсда амалга ошириш вақти, деб аташ мумкин.

2005 йилдан кейинги учинчи босқичдан эса Миллий дастурни ва кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадлари кўзланяпти.

Яна жуда муҳим нарса. Миллий дастурда умумий ўрта таълим 12 йиллик қилиб белгиланмоқда. Яъни бунда:

- бошланғич таълим 1-4-синфларни;
- таълим таълим 5-9-синфларни;
- ўрта таълим 10-12-синфларни қамраб олади.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш 6 ёшдан бошланади.

— Нима учун 12 йиллик таълимга ўтиш режалаштирилмоқда?

— Сир эмаски, ҳозирги ўн бир йиллик умумий таълимда 9 йиллик таълим мажбурий бўлиб, ўрта таълим олиш (10-11-синфларга ўқиш) ихтиёрий эди. Оқибатда фарзандларимизнинг бир қисми ҳаётга тайёр бўлмаган ҳолда ўз-ўзига ташлаб қўйилди.

Миллий дастурнинг афзаллиги шундаки, 9 йиллик таълим мактабини тамомлаган ўқувчилар мажбурий-ихтиёрий равишда ўрта маълумот олиш учун ўқиб давомиди икки йўналишда, яъни олий ўқув юртиларига тайёрлаш мактабларида (академик) ва касб-ҳунар бериучи таълим муассасаларида ўқишни давом эттириладиган.

Бу ҳолда, айтилган, уч йиллик ўрта мактабни битиришни мажбурий деб тушунасак, касб-корлиқни танлаб ўқиш ихтиёрийдир. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тайёрлаш соҳасида шу вақтгача амалга оширилган ўзгаришлар фақат амалдаги таълим тизимини ислох қилишга қаратилган эди. Улар тизим сифатида мукамал эмас эди. Бошқача қилиб айтганда, таълим ислохотида янги иқтисодий муносабатлар, меҳнат бозори етарли даражада ҳисобга олинмаган. Ўзгаришлар қилишда илм-фан ютуқларига, халқаро тажрибага тўлиқ таънилади. Шунингдек бу ислохотлар шахс, давлат, жамият эҳтиёжлари ва мутахассисларни тайёрлашнинг амалдаги тизими ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишни таъминлаш мақсади.

— Шаҳарда Миллий дастур асосида Миллий дастурни бажариш учун қандай вазифаларни ҳал этиш керак?

— Энг аввало, пойтахт ўқув муассасалари учун ўқитувчиларнинг етишмовчилиги, уларни ишга танлов асосида қабул қилиш имконияти йўқлиги таълим савиясига салбий таъсир кўрсатаётганлигини очиб айтиш керак. Чунки, бугунги кунда Тошкент шаҳри мактаблари учун 2,989 ўқитувчи керак бўлгани ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртилари томонидан пойтахтга 500 ёш мутахассис юбориш режалаштирилган, ҳоло.

Миллий дастур асосида 12 йиллик таълим тизимига ўтишни таъминлаш ва болаларни 6 ёшдан умумтаълим мактабларига қабул қилиш учун шаҳарда қўшимча 2890 ўқитувчи керак бўлади. Бу бизнинг энг жиддий муаммоларимиздан биридир.

Уни ҳал қилиш маълум вақт талаб қилишни инобатга олган ҳолда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси янги 1997—1998 ўқув йилида мактабларни етишмаётган ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида тегишли вазирликлар билан пойтахт олий ўқув юртиларида-

хассисларни малака ошириш институтида қайта тайёрловдан ўтказиб мактабларга юбормоқда.

Туртинчидан, ўқитувчи нуфузи оширилиб, уни моддий ва маънавий рағбатлантиришни оқилона йўлга қўйган ҳолда мактабдан кетиб қолган педагогларни ўз ишига қайтариш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз.

Бироқ бу чора-тадбирлар педагог кадрлар етишмовчилиги муаммосини тўла ҳал эта олмайди. Шунинг учун «Тошкент оқшоми»нинг яқиндаги давра суҳбатидида таъкидлаб ўтганимиздек, пойтахт мактабларига педагог мутахассислар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус билим юртиларини ташкил этиш лозим, деган фикрдამиз.

— Миллий дастурни амалга ошириш таълим масканлари ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашни ҳам талаб этишса керак.

— Албатта. Таълимни 12 йиллик тизимга ўтказиш учун шахримизда қўшимча равишда 55 минг ўқувчи ўрни талаб қилинади. 2005 йилгача бўлган режада эса бу ракам 30,7 мингни ташкил қилади. Демак етишмаётган 24 минг ўқувчи ўрни муаммосини ҳал қилиш чора-тадбирларини ишлашимиз керак.

Ушбу даврининг биринчи босқичида, яъни янги ўқув йилидан бошлаб, биринчи синфларга етти ёшли болалар билан бир қаторда беш миңдан ортиқ 6 ёшли болаларни қабул қилиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Шунингдек, 1997—1998 ўқув йилидан бошлаб 10-синфларга чекланмаган миқдорда ўқувчилар олинади.

Таълим тизими ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш учун янги мактаблар, қўшимча синфхоналар қуриш билан бир қаторда ички имкониятлар ҳам катталли маълум бўляпти.

Масалан, Юнусобод туманида бўшаб қолган болалар боғчасини қайта қуриб, таъмирлаб 200 ўринлик шарқшунослик фанларини чуқур ўргатиш ихтисослашган лицей ташкил этилмоқда. Уни Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги байрамига қадар амалга ошириш режалаштирилган.

Чилонзор туманида 320 ўқувчи ўқиётган, аммо 960 ўринли 66-мактаб биноси мавжуд. Шу тумандаги тиббиёт йили ортида ўртача 700-800 ёш таҳсил олаётгани ҳолда, унинг биноси 420 ўқувчига мўлжалланган. Бу икки илм даргоҳи бинолари ўзаро алмаштирилиши натижасида тиббиёт билим юртига яна қўшимча 200 талаба қабул қилиш имкони туғилди.

Ана шу илқ тажрибалардан келиб чиққан ҳолда етишмаётган ўқувчи ўринларини ички имкониятлар ҳисобига тўлдирish чора-тадбирларини кўряпмиз. Бунинг учун корхоналарга қаршили бўлган болалар боғчалари асосида равишда бекилиб кетмаслиги, бошқа тузилмаларга бериб юборилишига йўл қўйилмаслиги керак. Уларни қайта қуриб, таъмирлаб, биринчи босқич мактабларига, айниқса 6 ёшлиларни ўқитишга мослаш мумкин. Бу масалада туман ҳокимликларининг яқиндан ҳозир беришларига умидворимиз.

Шунингдек, эҳдидаги ўрта махсус билим юртилари эндиликда тўрт йилликдан уч йиллик таълимга ўтишлари ҳисобга олиниб, уларнинг бўшаб қолган биноларидан ҳам қўшимча ўқувчи ўринлари ташкил этишда фойдаланиш мўлжалланмоқда.

— Шаҳарда Миллий дастур асосида таълим тизимини ислох қилиш учун амалий ишларга ҳам киришилдики?

— Ҳа. Биз дастурда кўзда тутилган 2000 йил келишини қўл қовуштириб қутиб ўтириш катта хато бўлишини тўлиқ англаб етганмиз. Шунинг учун шаҳар Халқ таълими бош бошқармасида ҳам, туманларда ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди. Яқинда Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими негизида Миллий дастурни амалга оширишга бағишланган кўргазмали семинар ташкил этдик. Бу туманда аҳоли сони, болалар туғилиши ҳисобга олинган ҳолда Миллий дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма нарса: педагог кадрлар, янги ўқув юртилари учун бинолар сони, 6 ёшдан биринчи синфга қабул қилинадиган ўқувчиларга 12 йиллик таълим бериш ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Дастурни амалга ошириш учун зарур нарсаларни туман истиқбол режаларига киритиш мўлжалланган. Бундай кўргазмали семинарлар бошқа туманларда ҳам ташкил этилади.

Биз буюк давлат фуқароларини тарбиялаш, келажак асри мутахассислари тайёрлаш бўйича юксак масъулиятимизни тўла ҳис этиб турубмиз. Шунинг учун дастур ижро асосида оширилиши чора-тадбирларини кўряпмиз.



«Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти махсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни ҳисобга олган корхона жамоаси махсулот турлари ва сифатини ошириб бориш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: жамиятнинг попоп цеҳи тикувчиси Мунираҳон Икромовани иш устида кўриб турибсиз. Рустам Шарипов олган суратлар.

Фан

## ХАРИТАШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Хариташунослик борасидаги янгиликлар хусусида Тошкент Давлат университети география факультетининг геодезия, картография ва кадастр кафедрасининг профессори Турғунбой Мирзаалиев билан суҳбатлашдик.**

— Ўзбекистон ўз миллий истиқлолини қўлга кирит-

гач, картография соҳасида талайгина ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди Турғунбой Мирзаалиев. — Илгарилари бизнинг кафедра геодезия, картография кафедраси деб аталар эди. Харита тузишда жойнинг ўсимликлар дунёсини, тупроғини ҳам билиш, баҳолаш керак. Ҳозир бу билан боғлиқ муаммолар кўпайди. Шунинг учун кафедрамизнинг номланishi «кадастр» атамасини қўшдик. Марказий Осиё бўйича фақатгина бизда геодезия, картография ва ка-

дистонда биринчи ўқув-ўлкашунослик атласи нашр қилинган эди. Эндиликда уларни топиш амри маҳол бўлиб қолди. Шу сабабли биз ҳозир ўқувчилар учун Ўзбекистоннинг табиий географик атласи ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий атласини нашр этирмоқчимиз. Булар Халқ таълими вазирлигининг тасдиғидан ўтган. Айни кунларда «Ўзбекистоннинг ёқилги-энергетика мажмуаси» дея номланган харита тайёрланяпти.

Айни пайтда кафедрада «Ўзбек тилида янги ўқув қўланмалар яратиш», «Республикада мавзули картографияни ривожлантириш» ва «Атлас картографиясини такомиллаштириш» мавзуларида илмий ишлар қилинмоқда.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

**Ҳамза туманидаги «Фаргона йўли» кўчасида жойлашган «Улфат» озиқ-овқат магазинида бир неча хилдаги нон махсулотлари ҳам сотилади.**

Пештахтада турган 20 сўмлик булка нонлар кўринишданок сифатсиз, жуда лоқайдлик билан тайёрланганлиги сезилади. Шунинг учунми, биз дўконга кирганимизга анча вақт бўлса-да, бу нонни дегарли ҳеч ким сотиб олмади. Аслида дўкон харидорлар билан гўжум эди.

— Бундай сифатсиз нонни чиқариш ҳам увол, ҳам зарарку, — дейди харидорлардан бири кўйиниб. — Ноннинг исроф бўлишига унинг сифатсиз эканлиги ҳам сабаб эмасми? Узингиз айтинг, мана шу аччиқ, буришган, ярми хом нонни сотиб олган харидор новвойи ҳақда нима дейди? Харидорлар билан пештахта ёнидаги суҳбатимиз анча давом этди. Очгинини айтиш керак, уларнинг ҳар бири бундай нонларни ёлган лоқайд ва нуноқ новвойларга ўзарининг таъна-ю гинага тўла сўзларини етказишимизни сўра-

шарди.

— Биз асосан 1-нон ишлаб чиқариш корхонасининг махсулотларини оламиз, — дея суҳбатга қўшилди дўкон сотувчиси. — Албатта, нон сифатли бўлса, пештахтада узоқ туриб қолмайди, тезда сотилади. Сифатсиз нонларни сотиб, харидорлар эътирозини эшитиш бизга ҳам ноқулай.

— Мана бу кўнгал булка нонларни нима қиласизлар? — Корхонага қайтариб юборамиз. Нон корхонасининг ишчилари, қолаверса, технологлар, корхона раҳбарлари махсулот сифатидан бохабар бўлишлари керак.

Муносабат

## АЙБ — БУҒДОЙДАМИ?

фатсиз нонларни сотиб, харидорлар эътирозини эшитиш бизга ҳам ноқулай.

Султонмурод УМАРОВ, Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.



Бўрибой Аҳмедов

**АМИР ТЕМУР**

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида бирон асар битиш жуда мушкул иш. Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий таракқиётига улкан ҳисса қўшган улуг давлат арбоби, беназир саркарда, фан ва маданият ҳомийси, саркарда сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам, султон сифатида ҳам бетакрор иқтидор соҳиби бўлган Амир Темур ҳақида тарихда жуда кўп биткилар бор. Дастлаб ана шу китобларни ўрганиш, Фарбу Шарқдаги соҳибқирон қолдирган меросни синчиқлаб кўздан кечириш зарур. Ана шунда соҳибқирон Амир Темур яшаган шиддатли даврни, унинг юришларидан кўзда тутилган мақсадларни тасаввур этиш, ҳис қилиш мумкин бўлади. Бўрибой Аҳмедов ўз китобидаги муқаддимда Темур шахсини улугловчи, унга холис баҳо берувчи асарлар ҳақида сўзлар экан, у италийлик католик черковининг ро-

# ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ОРЗУ

Адиблар, соҳиби илмлар кўплаб асарлар яратадилар. Бу табиий, чунки ҳар бир соҳанинг истеъдодли вакили кўпроқ яратишни ўйлайди. Лекин шу асарлар орасида айримлари бўладики, у муаллифнинг номини барчага маълум ва машҳур қилади. Шу асар устида адиб йиллаб ишлайди, бутун умрини беради, қалбини фидо этади. Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида тақдим этилган академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романи ана шундай асарлар сирасига киради.

ҳиби Иоаннинг 1403 йилда ёзган «Темурбек ва унинг саройига оид хотиралар» китобини, инглиз адибаси Хилда Хукэмнинг «Жаҳонгир Темур» асарини тилга олади. Айни пайтда фарблик машҳур тарихчилар Эдуард Гиббон, Хаммер-Пургиштал, Фридрих Шлоссер, Макс Мюллер, Люсьен Керен, Жан Поль Ру, Беатриса Манз, Жон Вудс, Харольд Ламб, Ханс Робертс Рермерларнинг ҳам йирик тадқиқотлари борлигини, улар Абдураззоқ Самарқандий, Хофиз Абури, Нозимиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Гийосиддин Али, Мирзо Муҳаммад Хайдар, Хондамир, Ибн Исфандиёр каби тарихчиларнинг китобларини, сайёҳлар Ибн Баттута, Плако Карпин, Клавио, Ибн Халдулларнинг эсдаликларидан унумли фойдаланганликларини қайд этади. Бизда эса узоқ йиллар Темур номи қатағон қилинганидан таассуфланади.

Бўрибой Аҳмедовнинг китоби нимаси билан аҳамиятли? Ўшбу китоб аввало юртимиз истиклолга эришгандан кейин соҳибқирон ҳақида яратилган

энг йирик дастлабки асардир. Асарнинг яна бир аҳамияти муаллиф тарихимизнинг энг нурли давралидан бири саналган темирлар ҳукмронлиги йилларини чуқур ҳурмат, эҳтиром билан тасвирлайди, иккинчидан тарихий ҳужжатларни бадиий руҳда тўлақонли ифода-лашга эришади.

Романи ўқиб чиққан киши худди ўша Темур даврида юргандек, унинг машвратларида иштирок этаётгандек, соҳибқироннинг ишларида қатнашаётгандек ҳис қилади ўзини. Бу ҳам муаллиф ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этганидан нишондир.

Бўрибой Аҳмедовнинг «Ўзбек улуси», «Ўрта Осиё халқлари тарихи манбалари», «Мирзо Улуғбек», «Тарихдан сабоқлар» сингари ўнлаб китоблари бор. Хусусан «Мирзо Улуғбек» бадмаси атоқли олимимизнинг кенг қўламли, билимдон тарихчи, қалами хассос ишдор эканлигини исботи бўлган эди. «Амир Темур» тарихий романи ана шу фидокорона меҳнатларининг давоми сифатида, янги махсули сифатида дунёга келди ва

дарҳол тилга тушди. Халқимизнинг ажойиб фарзанди ҳақидаги бор ҳақиқатни билиш истаги юртдошларимизни ушбу китобга бўлган иштиёқини оширди, айни пайтда қаноатлантирди ҳам.

